

Қурбонликнинг вожиблиги

05:00 / 16.01.2017 4557

Таматтуъ ёки қирон ҳажи қилувчи кишига бир сафарда ҳаж ва умра қилиш имкони бўлгани учун шукрона сифатида бир қурбонлик вожиб бўлади. Қурбонликка сўйиладиган жонивор: қўй ёки эчки; бир қорамол ёки бир туя; қорамол ёки туянинг еттидан бир қисми ҳам бўлиши мумкин.

Мийқотдан фақат ҳаж (ифрод ҳажи) учун эҳром боғлаган кишига ҳеч қандай қурбонлик лозим эмас. Албатта, агар хоҳласа, нафлий қурбонлик қилиши мумкин.

("Ғунятун носик", "Фатово Қозихон", "Фатово ҳиндийя").

Қурбонлик вақти

Айямун наҳр, яъни қурбонлик кунлари 10-зулҳижжанинг тонгидан бошлаб 12-зулҳижжанинг шомигача бўлган вақтдир. Ҳожининг қурбонлиги мазкур вақтлар оралиғида сўйилиши вожибдир.

Агар қурбонлик 10-зулҳижжадан олдин қилинадиган бўлса, дуруст бўлмайди. Агар қурбонлик 12-зулҳижжанинг шоми кирган вақтда ёки ундан кейинроқ сўйилса, вожиб тарк бўлгани, яъни қурбонлик ўз вақтида сўйилмагани учун яна бир жарима қурбонлиги лозим бўлади.

("Ҳидоя", "Ғунятун носик", "Ал-Баҳрур роиқ")

Аксар фуқоҳолар нафлий қурбонлик ҳам қурбонлик кунларида сўйилиши вожиб, деб айтганлар.

("Табйинул ҳақойиқ").

Қурбонлик қилинадиган жой

Ҳожининг қурбонлиги Ҳарам ҳудудидан ташқарида сўйилиши жоиз эмас. Ҳарам ҳудудининг қаерида бўлса ҳам, ҳатто, Маккаи мукарраманинг кўчаларида қурбонлик қилиш дурустдир. Шу боис Минода қурбонлик қила олмаган киши Ҳарам ҳудудининг исталган ерида уни амалга ошириши мумкин.

Зеро, ҳадиси шарифда "Маккаи мукарраманинг ҳар кўчаси (ҳожилар учун) қурбонлик жойидир", деб зикр қилинган (Байҳақий, "ас-Сунанул Кубро").

Қурбонлик Ҳарам ҳудудида сўйилиши вожиб

Ҳожиларнинг қурбонлиги Ҳарам ҳудудида сўйилиши вожибдир.

Агар қурбонлик Ҳарам ҳудудидан ташқарида, яъни ҳилда ёки ҳожининг ватанида сўйилса, вожиб тарк бўлгани сабабли унга яна бир қурбонлик вожиб бўлади.

("Ғунятун носик", "Табйинул ҳақойиқ", "Фатово ҳиндийя").

Таматтуъ ёки қирон ҳажи қилувчига қурбонликни кечиктиргани учун жарима

Агар таматтуъ ёки қирон ҳажи қилувчи шукр қурбонлигини кечиктириб, зулҳижжанинг 12-куни ўтгандан кейин сўйса, қурбонликни ўз вақтидан кечиктиргани сабабли унга яна битта қурбонлик вожиб бўлади. Бу қурбонлик ҳам Ҳарам ҳудудида сўйилиши лозим.

("Ғунятун носик", "Фатово ҳиндийя").

Қурбонликдан олдин соч қирдиришнинг жаримаси

Агар таматтуъ ёки қирон ҳажи қилувчи сочини қурбонликдан олдин қирдирса, қурбонликни соч қирдиришдан кейинга сургани учун жарима сифатида яна бир қурбонлик лозим бўлади.

("Фатҳул Қадийр", "Ғунятун носик").

Агар қурбонлик ва соч қирдириш қурбонлик кунларидан кечикса...

Агар қурбонлик ва соч қирдириш - ҳар иккиси ҳам қурбонлик кунлари ўтганидан кейин кечиктириб адо этилса, бу суратда учта қурбонлик вожиб бўлади:

1. Қирон ёки таматтуънинг шукр қурбонлиги
2. Соч қирдириш қурбонлик кунларидан кечикканининг жаримаси
3. Қурбонлик белгиланган кунлардан кечикканининг жаримаси

Мазкур уч қурбонликлардан аввалгисининг гўштини емоқлик ҳамма учун жоиз. Лекин, кейинги икки жарима қурбонлигининг гўшtidан уни сўйдирувчи ёки бадавлат кишиларнинг емоқлиги жоиз эмас. Шу боис уни фақирларга садақа қилиб бериш лозим.

("Ғунятун носик").

Қурбонлик ва соч қирдиришни кечиктиришнинг жаримаси

Агар таматтуъ ёки қирон ҳажини қилувчи киши қурбонликдан олдин соч қирдирса, қурбонликни эса қурбонлик кунларидан кечиктирса, унга

ҳаммаси бўлиб учта қурбонлик вожиб бўлади:

1. Қирон ёки таматтуънинг шукр қурбонлиги
2. Қурбонликдан олдин соч қирдиришнинг жаримаси
3. Қурбонлик белгиланган кунлардан кечикканининг жаримаси

Яна, агар сочни Ақаба тошини отишдан олдин қирдирган бўлса, унга тўртинчи қурбонлик ҳам вожиб бўлади. Яна, агар шукр қурбонлигини Ҳарам ҳудудидан ташқарида сўйган бўлса, унга бешинчи қурбонлик ҳам вожиб бўлади

("Ғунятун носик").

Қурбонлик Ҳарам ҳудудида қайта сўйилса...

Агар ҳожи қурбонликни Ҳарам ҳудудидан ташқарида сўйса, лекин қурбонлик кунлари ўтмасдан олдин Ҳарамга келиб, қайтадан қурбонлик қилса, унга бошқа жарима лозим бўлмайди. Агар қайта қурбонлик қилаётган пайтида қурбонлик кунлари ўтиб кетган бўлса, унга иккита қурбонлик вожиб бўлади:

1. Ҳарам ҳудудида қайта сўйилиши керак бўлган қурбонлик
2. Қурбонликни белгиланган кунлардан кечиктиргани учун жарима қурбонлиги.

("Фатҳу бобил иноя", "Мирқотул мафотиҳ").

Банк ёки элликбоши ёрдамида қурбонлик қилишнинг фасодлари

Ҳозирги кунда банк ёки элликбоши қурбонлик учун ҳожидан пул олади. Улар ҳожига: "Сизнинг қурбонлик жонлиғингиз қурбонлик куни (масалан) соат 1000 да сўйилади. Сиз соат 1000 дан кейин сочингизни олдираверинг", деб айтади. Айтайлик, соат 1100 гача ҳам қурбонлик сўйилмади, лекин ҳожи соат 1030 да сочини олдириди. Кейин маълум бўлдики, қурбонлик белгиланган вақтда эмас, балки соч олдирилгандан сўнг бўлган экан.

Мазкур суратдаги сўйилган қурбонлик таматтуъ ёки қирон ҳажига тааллуқли бўлса, ҳожига яна битта қурбонлик (сочни қурбонликдан олдин қирдиргани учун) вожиб бўлади. У Ҳарам ҳудудида сўйилиши лозимдир.

Бу масала ҳожиларимиздан жиддий эҳтиёткорликни талаб қилади. Бунинг учун улар қурбонлик жонлиғларини ўзлари сўйиш (сўйдириш)га ҳаракат қилишлари ёки сўйилганига аниқ ишонч ҳосил қилмагунларича эҳромдан чиқмай туришлари керак бўлади.

("Фатово Раҳимийя", "Ийзоҳул масоил").

Ҳожининг вакили унинг қурбонлигини тош отишдан олдин қилди

Таматтуъ ёки қирон ҳажи қилувчи ўз вакили билан қурбонлик қилиш борасида келишиб олдилар. Унга биноан, вакил қурбонлик куни соат 1400 дан олдин қурбонлик қиладиган, ҳожи эса соат 1400 дан кейин сочини қирдириб, эҳромдан чиқадиган бўлди. Кейин воқеа шундай бўлдики, вакил келишилган вақтда қурбонлик қилди, лекин ҳожи кечикиб, қурбонликдан олдин отилиши керак бўлган Ақаба тошини соат 1500 да отди. Сўнг сочини қирдирди.

Имом Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳнинг наздларида, бу суратда ҳожига тош отишдан олдин қурбонлик қилгани учун жарима сифатида яна бир қурбонлик вожиб бўлади. Бундай ҳолат хоҳ қасддан бўлсин, хоҳ хатоан; хоҳ унутишлик туфайли бўлсин, хоҳ илмсизлик; хоҳ ҳожининг ўзи томонидан содир бўлсин, хоҳ вакили томонидан - хуллас, қандай бўлган

тақдирда ҳам жарима қурбонлиги вожиб бўлади.

("Ғунятун носик", "ал-Баҳрур роиқ", "ал-Биноя").

Қурбонлик гўштини сотиш

Қурбонлик учун сўйилган жонлиқнинг барча жузлари (аъзолари) бир хил ҳукмдадир. Яъни, қурбонлик териси, шохи, суюқлари ва бошқа аъзоларини сотиш ҳукми қандай бўлса, унинг гўштини сотиш ҳукми ҳам ўшандай бўлади. Зарурат бўлганда, терини сотиб, унинг пулини садақа қилиш жоиз бўлганидек, гўштни ҳам (агар у ерда уни егувчи бўлмагани сабабли зое бўлишидан қўрқилса ёки кўмиб юборишга тўғри келса) сотиб, пулини ҳақдорларга садақа қилиш бекароҳат жоиз ва дурустдир.

("Ҳидоя", "Фатово Қозихон", "Раддул муҳтор")

Ҳожи учун ҳайит қурбонлиги

Ҳайит қурбонлиги, яъни ҳайит куни қилинадиган қурбонлик фақат муқим киши учун вожиб, мусофирга эмас.

Биз "Ийзоҳул маносик" ва бошқа китобларимизда ҳожининг муқим бўлиши учун у Маккаи мукаррамага 8-зулҳижжадан 15 кун олдин етиб келган бўлиши лозим, акс ҳолда у муқим эмас, балки мусофир бўлади, деб ёзган эдик. Лекин биз у китобни ёзган вақтда Мино ва Муздалифа водийлари Маккаи мукаррамага қўшилмаган, шу боис уччаласи бошқа-бошқа жой деб ҳисобланар эди. Эндиликда эса Мино ҳам, Муздалифа ҳам Маккаи Мукаррамага қўшилиб, бир жойга айланди. Бу масала ҳақидаги таҳқиқот "Анвори раҳмат" ҳамда қўлингиздаги китобнинг "Муздалифа Маккаи мукаррамага қачон дохил бўлди?" сарлавҳаси остида зикр қилинган.

Энди бу масаладаги ҳукм шуки, Маккаи мукаррама, Мино ва Муздалифада (ҳаммаси бўлиб) 15 кундан кам муддат турадиган ҳожи мусофир ҳисобланади ва унга ҳайит қурбонлиги вожиб бўлмайди. Ҳа, албатта,

қирон ёки таматтуъ ҳажи қилувчига шукр қурбонлиги ҳар қандай ҳолатда ҳам вожиб. Лекин қайси бир ҳожи Маккаи мукаррама, Мино ва Муздалифада (ҳаммаси бўлиб) 15 кун ёки ундан зиёда вақт турса ва бу орада узоқ (сафар масофасидаги) жойларга бормаса, у мусофир эмас, балки муқим ҳисобланади. Бундай ҳожи агар бадавлат бўлса, унга ҳайит қурбонлиги ҳам вожиб бўлади, аммо бу қурбонлик Ҳарам ҳудудида сўйилиши шарт эмас. Балки, қаерда бўлса ҳам, шу жумладан ўз уйида сўйилса ҳам дурустдир.

Ҳадий ва қурбонлик жонлиғи қандай бўлиши лозим?

Қирон ёки таматтуъ ҳажининг шукр қурбонлиги ҳамда жарима сифатида (жиноят эвазига) сўйилиши лозим бўлган жонлиқлар ҳайит куни сўйиладиган қурбонлик жониворидек бўлиши лозим.

Шунга кўра, қурбонлик жонлиқлари, агар:

v туя бўлса, (энг ками) беш ёш;

v қорамол ёки қўтос бўлса, (энг ками) икки ёш;

v эчки бўлса, (энг ками) бир ёш;

v қўй бўлса, (энг ками) бир ёш (агар жуссаси бир ёшликка ўхшаса, олти ойлик) бўлиши лозим.

("Муаллимул ҳужжож", "Мажмаул анҳур").

Катта жониворларда шериклик жоиз

Қўй ёки эчкини фақатгина бир киши қурбонлик қилиши мумкин. Катта жониворлар - туя, қорамол ва қўтосни етти киши шерик бўлиб, қурбонлик қилишлари ҳам дуруст. Лекин шерикларнинг ҳаммаси қурбат ва ибодатни ният қилган бўлишлари ҳамда бирортасининг ҳиссаси еттидан бирдан кам

бўлмаслиги шарт.

Демак, агар улардан бири қурбонликда фақатгина гўшт ейишлик мақсадида иштирок этса ёки бирор шерикнинг ҳиссаси еттидан бирдан кам бўлса, бирортасининг томонидан ҳам қурбонлик дуруст бўлмайди.

("Мултақол абхур", "Муаллимул ҳужжож")

Қурбонликда шерикларнинг турли ибодат ниятида иштирок этишлари

Қурбонликда шерикларнинг ҳаммаси бир хил ибодатни ният қилишлари шарт эмас, балки турли қисмдаги қурбат ва ибодат ниятида иштирок этишлари ҳам мумкин. Масалан, агар шериклардан бири қирон ёки таматтуъ ҳажининг шукр қурбонлигини; иккинчиси назр қурбонликни; яна бири жарима қурбонлигини; бошқаси нафлий қурбонликни ният қилган бўлса, бундай шериклик дурустдир.

Туя ёки қорамол (қўтос)ни бир киши ҳеч кимни шерик қилмай, қурбонлик қилса ҳам жоиз. Шунингдек, битта катта жониворда икки ёки уч кишининг шерик бўлиши ҳам дуруст. Шериклар етти киши бўлиши шарт эмас.

("Мултақол абхур", "Муаллимул ҳужжож").

Кўр ёки бир кўзли жониворни қурбонликка сўйиш

Агар сўйиладиган жонивор кўр ёки бир кўзли бўлса, унинг қурбонлиги жоиз эмас.

("Муаллимул ҳужжож").

Қулоғи кесилган жонивор

Қулоғининг учдан бир қисмидан кўпроғи кесилган жонивор қурбонликка ярамайди. Қулоғининг учдан бири ёки ундан камроғи кесилган; ёки қулоғи тешик жониворни қурбонликка сўйиш мумкин, лекин макруҳи танзиҳийдир. Одатда, аксар жониворларнинг қулоғи кесилган бўлади. Шунинг учун қурбонлик қилинаётган жонлиқ қулоғининг қанча миқдори кесилганига эътибор бериш лозим.

("Бадойиъус санойиъ").

Чўлоқ жониворни қурбонлик қилиш

Агар жонивор чўлоқ бўлса-ю, ўша чўлоқ оёғи ерга тегиб юрса, унинг қурбонлиги жоиз. Аксинча, чўлоқ оёғини кўтариб, фақат уч оёқ билан юрса, уни қурбонликка сўйиш жоиз эмас.

("Муаллимул ҳужжож").

Қурбонликка қувватсиз жониворни сўйиш

Агар жонивор ўз оёқлари билан қурбонлик қилинадиган жойга етиб бора олмайдиган даражада ориқ ва қувватсиз бўлса, уни қурбонликка сўйиб бўлмайди. Агар ориқ ва қувватсиз бўлса ҳам сўйиладиган жойгача юриб бора олса, уни қурбонлик қилиш дурустдир.

("Мажмаул анҳур", "Ғунятун носик").

Тишлари синган жонивор

Агар жониворнинг ўзи ўтлаб овқатланишга қодир бўлмайдиган даражада тишлари синган бўлса ёки бутунлай тиши бўлмаса, уни қурбонликка сўйиш жоиз эмас. Аксинча, тишсиз бўлса ҳам ўзи ўтлаб овқатланишга қудрати етса, унинг қурбонлиги жоиз.

("Фатово ҳиндийя").

Думи кесилган жонивор

Агар жониворнинг думи кесилган бўлиб, лекин аксари, яъни ярмидан кўпроғи мавжуд бўлса, уни қурбонлик қилиш жоиз. Агар ярмидан кўпроғи кесилган бўлса, унинг қурбонлиги жоиз эмас.

("Мултақол абхур").

Шохи синган жонивор

Агар қурбонлик ёшига етган жонивор туғма шохсиз бўлса, унинг қурбонлиги жоиз. Шунингдек, унинг шохи чиққанидан кейин синиб, яъни юқори ковак қисми чиқиб кетиб, лекин ичкари қисмига (ўзагига) зарар етмаган бўлса, уни ҳам қурбонлик қилса бўлаверади. Аксинча, агар ичкари суяк ҳам синган бўлса, унда қурбонликка ярамайди.

("Ғунятун носик").

Елини кесилган жонивор

Туя, қорамол ва қўтосда тўртта елин, эчкида эса иккита елин бўлади.

Агар эчкининг икки елинидан бирининг учи кесилган бўлса ёки бир елини умуман бўлмаса, уни қурбонликка сўйиб бўлмайди. Агар туя, қорамол ва қўтосларнинг тўрт елинидан бирининг учи бўлмаса, уни қурбонликка сўйиш мумкин. Агар иккита елинининг учи бўлмаса, у ҳолда қурбонликка ярамайди.

("Ғунятун носик").

Гўштини ейиш жоиз бўлган қурбонликлар

Сўювчи ҳожининг ўзи ва бадавлат кишилар гўшtidан ейишлари жоиз бўлган қурбонликлар уч қисмдир:

- 1) қирон ҳажининг шукр қурбонлиги;
- 2) таматтуъ ҳажининг шукр қурбонлиги;
- 3) татаввуъ, яъни нафл қурбонлик

Юқоридаги кишиларнинг мазкур уч қурбонликдан бошқа қурбонликлар:

- барча жинойт қурбонликлари;
- назр қурбонлиги;
- эҳсор (йўлда ушланиб қолиш) қурбонлиги гўшtidан ейишлари жоиз эмас, гарчи қурбонлик қилувчи ҳожи камбағал бўлса ҳам. Қурбонлик сўювчи ҳожидан ташқари фақир кишилар барча қурбонлик гўшtlаридан ейишлари жоиздир.

("Ғунятун носик").

Жонлиқ сотиб олиш ва сўйиш вақтида ният лозимми?

Агар ҳожи жониворни сотиб олган вақтида қурбонлик ниятини қилган бўлса, қурбонлик дуруст бўлиши учун ўша ният кифоя, яъни сўйиш пайтида такроран ният шарт эмас. Айтайлик, ҳожи жониворни:

- қирон ёки таматтуънинг шукр қурбонлиги нияти билан сотиб олса, у қирон ва таматтуънинг шукр қурбонлиги бўлади;
- ҳайит қурбонлиги нияти билан сотиб олса, у ҳайит қурбонлиги бўлади;
- бирор жиноятга каффорат нияти билан сотиб олса, у каффорот қурбонлиги бўлади;
- назр нияти билан сотиб олса, у назр қурбонлиги бўлади.

("Ғунятун носик", "ал-Ашбоҳ ван назоир")

Қурбонлик нияти билан сотиб олинган жонивор ўрнига бошқасини сўйиш

Агар бирор киши қурбонлик нияти билан сотиб олган жониворни алмаштириб (сотиб юбориб ёки ўзида қолдириб), ўрнига бошқасини сўйса, бунинг ҳукми нима бўлади?

Бу суратда ҳукм шуки, агар жонлиқни сотиб олувчи фақир киши бўлса, уни алмаштириши жоиз эмас, балки қурбонлик нияти билан сотиб олинган жонлиқнинг айнан ўзини сўйиш вожибдир. Аксинча, сотиб олувчи бой киши бўлса, уни алмаштириб, ўрнига бошқа жониворни қурбонлик қилиши дурустдир. Лекин алмаштирилган жонивор аввалгисидан заиф бўлмасин. Балки, унга баробар ёки ундан семизроқ бўлсин.

("ал-Баҳрур роиқ").

Бири киши иккинчисини жонлиғини ижозатсиз қурбонликка сўймоқлиги

Бир киши адашиб бошқа кишининг жонлиғини ижозатсиз қурбонликка сўйди, лекин жонлиқ эгаси унинг эвазига товон олмади. Балки, сўйилган жониворни олиб, бошқаларга истеъмол қилиш учун рухсат берди. Ёки

бирон жонлиқ эгасининг номидан унинг изнисиз сўйди.

Мазкур икки суратда ҳам қурбонлик жонлиқ эгаси номидан бўлган, деб ҳисобланади. Чунки, жонлиқ эгаси уни сотиб олаётган вақтида қурбонликка сўйишни ният қилган эди. Жонлиқ сўйилаётган вақтда эса ниятнинг бўлиши зарурий эмас.

("ал-Баҳрур роиқ", "ал-Ашбоҳ ван назоир").

Бир неча жониворларни тайин қилмасдан қурбонлик қилиш

Агар бир гуруҳ кишилар йиғилиб, ўз ададлари миқдорича жониворларни бараварига сотиб олиб, сўйиш вақтида қайси жонивор кимнинг номидан эканлигини тайин қилмасалар ҳам, ҳаммаларининг қурбонлиги дуруст бўлаверади.

Айтайлик, 10 киши йиғилиб, бирданига 10 та эчки сотиб олиб, ҳаммаларининг номидан тайин қилмасдан сўйдирсалар, уларнинг қурбонликлари дуруст бўлади. Шунингдек, агар 10 киши бир вакилга 10 та жонивор сотиб олиб, ҳаммаларининг номидан қурбонлик қилиш ижозатини берсалар ва у (вакил) қурбонлик жониворларини сотиб олгач, қайси жонивор кимнинг номидан эканини тайин қилмай сўйса ҳам, ҳамманинг қурбонлиги дуруст бўлади.

("Фатово ҳиндийя").

Қирон ёки таматтуънинг шукр қурбонлиги ўрнига рўза тутиш

Қирон ёки таматтуъ ҳажининг шукр қурбонлигини сўйишга имкони бўлмаган киши учун шариат томонидан қурбонлик эвазига рўза тутишга рухсат берилади. Лекин шариатнинг бу ижозати қўлида қурбонлик қилишга маблағи бўлмаган қирон ёки таматтуъ ҳажи қилувчи кишига

тегишли, холос. Шунга биноан, ватанига қайтиб кетгунга қадар сарфланадиган ҳаражатларидан ташқари шукр қурбонлиги қилишга пули етадиган ҳожи учун қурбонлик эвазига рўза тутиш жоиз эмас, балки унга қурбонлик қилиш лозимдир. Ушбу рўза ҳаммаси бўлиб 10 кун: 3 куни қурбонлик кунларидан олдин, 7 куни эса қурбонлик кунлари ўтгандан кейин тутилади.

("Бадойиъус санойиъ")

Қурбонлик кунларидан олдин тутиладиган 3 кун рўзанинг охири куни

Қирон ёки таматтуъ ҳажининг шукр қурбонлиги эвазига тутиладиган рўзанинг дастлабки 3 куни 10-зулҳижжадан олдин бўлиши шарт. Бунга кўра, 3 кунлик рўзанинг охириги арафа кунига тўғри келиши ҳам мумкин. Лекин, Арафотда хотиржамлик билан дуою илтижо қилишга очлик зарар етказмаслиги учун уламолар: "бу кунда рўза тутиш макруҳдир, шунинг учун ўша рўзаларнинг охириги куни 8-зулҳижжа (арафадан бир кун олдин) бўлгани афзалроқ" деганлар. Баъзи фуқаҳолар эса охириги кун арафа бўлишини афзал деб ҳисоблаганлар, башартики, очлик туфайли хотиржамликка путур етмаса.

("Раддул мухтор")

Қурбонлик кунлари тугашидан олдин жонлиқ сўйишга қодир бўлмоқ

Агар қурбонлик кунлари, яъни 12-зулҳижжа тугашидан олдин қирон ёки таматтуъ ҳажи қилувчи кишининг қўлига жонлиққа яраша пул келиш (қайси йўл билан бўлса ҳам) имкони бўлса, унинг учун рўза қурбонлик ўрнига ўтмайди, балки қурбонлик сўйиш вожиб бўлади.

Дейлик, бир киши 9-зулҳижжадан олдин 3 кун рўза тутиб олди. Кейинроқ, 12-зулҳижжа тугашидан олдин жонлиқ сўйишга қудрати етиб қолса, (агар бу қудратга сочини қирдиришдан олдин эга бўлса) унинг тутган рўзалари эътиборга олинмайди ва у қурбонлик қилиши вожиб бўлади. Лекин, пуллар ҳожи сочини қирдирганидан кейин етиб келишининг эътибори йўқ, яъни унинг тутган 3 кун рўзаси инобатга олинади. Албатта, қолган 7 кунини кейинроқ тутиб бериш шарти билан.

("Бадойиъус санойиъ", "Фатҳул қадийр", "Раддул муҳтор")

Уч кун рўза умра эҳромидан аввал жоиз эмас

Барча имомлар ҳаж кунларида шукр қурбонлиги ўрнига рўза тутмоқчи бўлган кишининг 3 кун рўзани умра эҳромини боғлашидан аввал тутиши жоиз эмаслигига иттифоқ қилганлар. Бу ҳукм қирон ҳажи қилувчига ҳам, таматтуъ ҳажи қилувчига ҳам тааллуқлидир.

Қирон ҳажи қилувчи киши уч кун рўзани эҳромли ҳолатдагина тутиши вожибдир. Чунки, у мийқотда (умра ва ҳаж учун) кирган эҳромидан ташриқ(ҳайит) кунигача чиқа олмайди. Лекин, таматтуъ ҳажи қилувчи кишида умра эҳромига кирганидан сўнг икки хил ихтиёр мавжуд:

- 1) хоҳласа, мазкур 3 кун рўзани мана шу эҳромдан чиқмай туриб тутари;
- 2) хоҳласа, умра арконларини адо қилиб, эҳромдан чиққандан сўнг, ҳаж эҳромига киришдан олдин (эҳромсиз ҳолатида) тутари.

Фақатгина ҳанафийларнинг рожиҳ (қувватли) қавлига кўра, таматтуъ ҳажи қилувчи киши учун эҳромсиз ҳолатда ҳам рўза тутишга ижозат берилган. Бошқа имомларнинг наздида эса ҳатто ҳажнинг эҳромини боғлашдан аввал ҳам мазкур рўзани тутиш жоиз эмас, яъни улар бундай киши аввал ҳаж эҳромига кириб, кейин рўза тутари, дейдилар.

("Бадойиъус санойиъ", "Мабсут").

Кейинги етти кун рўза қачон тугилади?

Биз юқорида қирон ёки таматтуъ ҳажи қилувчи киши учун шукр қурбонлиги ўрнига тугиладиган 10 кун рўзанинг 3 куни қурбонлик кунларидан олдин бўлиши кераклигини айтиб ўтган эдик.

Қолган етти кун рўзани эса ҳожи ватанга қайтгандан кейин тугади. Лекин, шундай савол туғилиши табиийки, мазкур етти кун рўзани ватанга қайтиб келишдан олдин, ҳаж арконларидан фориф бўлгач, Маккаи мукаррамада турган вақтда тутиш жоизми ёки йўқми?

Имомимиз Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳнинг наздарида, Маккаи мукаррамада турган вақтда ҳам тутишлик жоиздир. Бошқа имомларнинг наздида, жоиз эмас.

("Бадойиъус санойиъ", "Биноя").

Бу рўзаларга қачон ният қилинади?

Бу рўзаларга кечқурун, яъни тонг отишидан олдин ният қилмоқ лозимдир. Шу сабабли тонг отгандан кейин қилинган ният дуруст эмас. Бу рўзаларни кетма-кет ёки ажратиб тутишлик ҳам жоиз.

("Ғунятун носик", "Фатово ҳиндийя")

Уч кун рўзани 9-зулҳижжа ўтгунга қадар ҳам туга олмаган киши

Агар ҳожи уч кун рўзани 9-зулҳижжа ўтгунга қадар туга олмаса, у учун қурбонлик қилишдан бошқа чора қолмайди, яъни бу ҳолатда рўза

тутишлик қурбонлик ўрнига ўтмайди. Шунинг учун қурбонлик сўйишга имкон топса, қурбонлик қилади, агар топа олмаса, соч олдириб эҳромдан чиқаверади. Лекин қурбонликдан аввал соч олдиргани учун унга яна битта қурбонлик лозим бўлади.

Агар қурбонлик кунлари ўтгунга қадар қурбонлик қила олмаса, унга учта қурбонлик лозим бўлади:

- 1) қирон ёки таматтуънинг шукр қурбонлиги;
- 2) шукр қурбонликдан аввал соч олдиришнинг жаримаси;
- 3) шукр қурбонликни қурбонлик кунларидан кечиктиришнинг жаримаси.

("Раддул муҳтор", "Ғунятун носик")